*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2013 йил
**2 ноябрь**
ШАНБА
**№ 88** (12620)

www.th.uz

# МИЛЛИАРД СЎМЛИК ШАРТНОМАЛАР

***Бугун "Ўзэкспомарказ"-да ўтказилаётган VII Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржаси ниҳоясига етади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида"ги қарорига биноан ташкил этилаётган мазкур тадбирлар вилоятимиз вакиллари учун айниқса самарали бўлди.***




– Саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржаси бу йил ҳар қачонгидан-да қизғин ва самарали ўтяпти, – деди вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жамшид Машрабов. – Хорижий мамлакатлардан кўплаб меҳмонларнинг ташриф буюраётганини кўриб, тадбирнинг аҳамияти ва нуфузи ортиб бораётганига амин бўлдик. Бу йил вилоятимиздаги 70 га яқин ишлаб чиқарувчи корхона кўргазмада иштирок этиб, икки томонлама манфаатли шартномалар тузишга муваффақ бўлишяпти.

Кўргазма давомида Жамшид Машрабов вилоятимиз саноат салоҳияти, уни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан тақдимот маросимини ўтказди.

Ярмаркани кузата туриб, вилоятимиздаги озиқ-овқат, халқ истеъмоли, қурилиш моллари, енгил саноат, фармацевтика, мебель ишлаб чиқарувчиларнинг 40 квадрат метр жойни эгаллаган стендлари олдида одам гавжумлигига гувоҳ бўлдик. Баъзи тадбиркорларимиз шартнома тузишдан ортмаётган бўлса, яна қайсидир ишлаб чиқарувчиларимиз хорижлик меҳмонларнинг қизиқиб берган саволларига мамнуният билан жавоб қайтаришди.

Нўъмон Аминов раҳбарлигидаги вилоят "Сувоқава" корхонаси 10 миллиард сўмлик шартномалар тузишга муваффақ бўлди.

– Бу йилги кўргазмада туманимиздаги 15 га яқин корхона муваффақиятли иштирок этди, – деди Бўстонлиқ тумани ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Абдулҳамид Абдулжамилов. – 2010 йилдан бери ишлаётган "Царские сладости" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Раҳимхўжа Юсуфхўжаев кўргазмадан катта таассуротлар билан қайтаяпти.

"Ғазалкент-ойна" корхонасидагилар Қўнғирот сода заводидан хом ашё оладиган бўлишди. Бўстонлиқ автомобиль йўллари бўлими "Саноат қурилиш сервис" корхонасидан асфальт ва қурилиш маҳсулотларини харид қилиш бўйича 1 миллиард 26 миллион сўмлик шартномалар тузишди. "Лотус голд", "Ўзборн текстиль" хорижий корхонасига шартномалар тузишни таклиф қилганлар кўп бўлди.

Хуллас, кўргазмага келишяпти, кўришяпти, маъқулини харид қилишяпти.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**




Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

**Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асослари" мавзуида семинарлар бўлиб ўтди. Уларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси, вилоят, шаҳар ва туман кўмаклашувчи комиссиялари аъзолари жойлардаги ишчи гуруҳлар раҳбарлари ва аъзоларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб беришди. Қуйида уларнинг айримларини келтирамиз.**

## ДЕМОКРАТИЯ, ОШКОРАЛИК ВА ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИК АСОСИДА

**– Ишчи гуруҳи раиси фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзоднинг яқин қариндоши бўлса уни ишчи гуруҳ таркибидан ким чиқаради, ўрнига янги раис сайланадими?**

– Фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар ишчи гуруҳга аъзо шахслар ёхуд уларнинг яқин қариндошлари орасидан кўрсатилган тақдирда, улар ишчи гуруҳ таркибидан чиқарилади. Яъни ишчи гуруҳ раиси ишчи гуруҳ йиғилиши қарори билан унинг таркибидан чиқарилади ва ўрнига ишчи гуруҳ аъзолари орасидан янги раис сайланади.

**– Яқин қариндошларга кимлар киради?**

– Жиноят кодексининг саккизинчи бўлимида "яқин қариндошлар" деган атаманинг ҳуқуқий маъноси берилган. Хусусан, яқин қариндошлар таркибига ота-она, ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, невaралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, ака-ука ва опа-сингиллари киради.

*(Давоми 2-бетда).*

## ҚОНУН МУКАММАЛ, ҲАММА ГАП ИЖРОДА

**Кейинги йилларда маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва янада ривожлантиришга қаратилган қонунлар ишлаб чиқилиб, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари эълон қилиндики, булар маҳалланинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақомини белгилаб берди. Натижада маҳалла фуқаролар йиғини аҳолининг кундалик муаммоларини ҳал этувчи, таркибий жиҳатдан шаклланган, кенг халқ оммасининг давлатни, жамиятни бошқаришда фаол иштирок этишини таъминловчи фуқаролик жамияти институтига айланди.**

2013 йилнинг 22 апрелида янги таҳрирда қабул қилинган "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда Олий Мажлис Сенати кенгашига ушбу сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тадбирлари муддати ва тартибини белгилаш билан боғлиқ ваколатлар берилди. Жумладан, Қонунда сайлов даврида Сенат кенгаши фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия тузиши белгиланди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарларда ҳам шундай комиссиялар тузилади ва Сенат кенгашининг комиссияси уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

*(Давоми 2-бетда).*

Қарор ва ижро

**Вилоят аҳолисини тоза ичимлик суви билан узлуксиз таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вилоятдаги сув иншоотларининг ҳолати, куз-қиш мавсумига тайёрлиги кўздан кечирилмоқда. Янги сув узатиш тармоқлари қурилиб, мавжудлари таъмирланаётир.**

## СУВ ТАЪМИНОТИ ЯНАДА ЯХШИЛАНМОҚДА

Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 5 июлда қабул қилинган республика иқтисодиёти тармоқларини 2013-2014 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирларига оид қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

"Тошвилсувоқава" очиқ акциядорлик жамиятидан маълум қилишларича, жорий йилнинг ўтган даврида корхона томонидан жами 27,2 километр ичимлик суви қувурлари мукаммал, қарийб 90 километр узунликдаги қувурлар жорий таъмирланган.

– Жойлардаги "Сувоқава" ишлаб чиқариш шўъба корхоналари жамоаси ҳудудларда ўтган мавсумда ичимлик суви таъминоти ва канализация хизматида юзага келган айрим узилиш ва камчиликларни инобатга олган ҳолда, ҳар бир шаҳар ва туман бўйича ишлаб чиқилган комплекс чора-тадбирлар асосида иш олиб бормоқда, – дейди "Тошвилсувоқава" очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Н. Аминов. – Бу жараёнда техник, электр жиҳоз ҳамда ускуналарни куз-қиш мавсумига шай ҳолатга келтиришга жиддий эътибор берилаётир.

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик доирасида янги насос агрегатларининг ишга туширилиши, трансформаторларнинг ўрнатилиши натижасида вилоятнинг бир қатор, жумладан, Шоҳруҳия, Ёнариқ, Султонравот, Нов, Нанай, Муротали, Авангард каби четка ва тоғли қишлоқларида яшаётган аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланиши янада яхшиланди.

Айни пайтда давлатимиз томонидан ажратилган қўшимча 5,2 миллиард сўмга Оққўрғон, Бекобод, Бўстонлиқ, Зангиота, Қуйи Чирчиқ, Паркент, Чиноз, Янгийўл, Бўка ва бошқа туманлардаги ўттиздан зиёд аҳоли пунктларида янги сув иншоотлари барпо этиш ва 52,4 километр масофага сув тармоқлари ётқизиш ишлари амалга оширилаётир.

Қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган уй-жойларга сув қувурлари тортиш борасидаги ишлар давом этмоқда. Бу мақсад учун 3,6 миллиард сўм йўналтирилмоқда. Шу маблағ ҳисобидан йигирма километрдан ортиқ масофага сув тармоқлари тортилади, тўққизта қудуқ қазилиб, тўртта сув минораси барпо этилади.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 августда қабул қилинган "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида бажарилаётган ишлар мавжуд муаммоларни босқичма-босқич бартараф этиш имконини бермоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида ушбу ҳужжатга биноан вилоят бўйича 176 километр ичимлик суви тармоқлари тортилиб, ўнлаб қишлоқларнинг сув таъминотидаги узилишларга чек қўйилгани бунга мисолдир.

"Тошвилсувоқава"дан маълум қилишларича, 2014 йилда олтмиш иккита аҳоли пунктида ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича иш олиб борилади.

**Х. САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ISUZU ТИКУВЧИЛАР ХИЗМАТИДА

**Зангиота туманидаги "Делта-Моде" масъулияти чекланган жамияти тўлиқ қувват билан иш бошлагач, юзга яқин хотин-қизлар иш билан таъминланади. Ҳозирда бу ерда элликка яқин тикувчи болалар кийим-кечакларини тикишмоқда.**

Малакали мутахассислар қўлидан чиққан маҳсулот жаҳон бозори андозаларига тўла мослиги сабабли уларнинг барчаси хорижга экспорт қилинади.

Шу кунларда цехда ишлаётган чеварлар туманимизнинг турли худудларидан келишади. Ишчи-хизматчиларга қулайлик яратиш мақсадида битта Isuzu автобуси харид қилинди. У тикувчиларнинг узоғини яқин қилмоқда. Шунингдек, корхонада бепул иссиқ овқат ташкил этилган. Йил охиригача яна 15 та янги иш ўрни яратиш мўлжалланмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

Тадбир

## ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТ ЮЗ БЕРМАСЛИГИ УЧУН

**Шу йил 27-29 ноябрь кунлари Оҳангарон туманида "Бошқарув органлари, фавқулодда вазиятлар давлат ташкилотлари ҳудудий ва функционал қуйи тизимларнинг техноген хусусияти фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш бўйича ҳаракатлари" мавзуида қўмондонлик-штаб ўқув-машқи ўтказилади.**

Вилоят ҳокимлигида ўтказилган тегишли бошқарма ва ташкилот раҳбарлари иштирокидаги йиғилишда "Вилоят ҳудудида 2013 йилнинг IV чорагида юзага келиши мумкин бўлган вазиятлар башорати" масаласи муҳокама қилинди.

– Ушбу ўқув-машғулотини ўтказишдан мақсад, – деди вилоят ҳокими ўринбосари Анвар Абдуқодиров. – Вилоят фавқулодда вазиятлар давлат ташкилотини ҳудудий қуйи тизими Оҳангарон тумани бўғини бошқарув органлари зиммаларидаги вазифани нечоғли бажаришларини аниқлаш, туман ички хабар бериш тизими фаолиятини амалда текшириш, фавқулодда вазиятлар юз берган ҳудуддан жабрланганларни кўчириш, зарур шароитлар яратиш, долзарб вазифаларни эмин-эркин бажаришда моддий-техник таъминот масалаларини кўриб чиқиш, қолаверса, табиий ва техноген офатлар оқибатларини бартараф этишдан иборат.

Йиғилишда, 27-29 ноябрь кунлари тумандаги мактаб ва коллежларда "Фуқаро муҳофазаси куни"-ни ўтказиб, ўқувчи ва ўқитувчилар юзага келиши мумкин бўлган турли фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш борасида аниқ тушунчага эга бўлишларини таъминлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

**Бахтиёр ШАВКАТОВ.**

Яна тўловлар ҳақида

## «ҲОТАМТОЙЛАР»



Ота-боболаримиз эгасини рози қилмай, ўзганинг нарсасидан фойдаланишмаган. Шу азалий ақидага риоя қилиб яшаётган халқимиз орасида бу тамойилни бузиб, табиий газдан фойдаланганлик пулини тўламай келаётганларнинг борлиги ачинарлидир.

Қизиғи шундаки, Бекобод туманида қарздорларнинг асосий қисми оддий аҳоли вакиллари эмас, номдор раҳбарлар, пулдор оилалар экан. Қарзи миллиондан нарига ўтиб кетса ҳам парвосига келмаётган "ҳурматли зотлар" анчагина. Жумладан, ўз ҳудудида аҳолига бошчилик қилаётган оқсоқоллардан – А. Мирзаев номли МФЙ раиси Қ. Тошпўлатов 1.020.790 сўм, "Хос" МФЙ котиби Г. Анорқулова 1.087.966 сўм, Меҳнатобод ҚФЙ котиби А. Раҳимжонов 1.057.521 сўм, "Назарбой" фермер хўжалиги раиси Х. Аллашукуров 1.659.696 сўм, "Нормат ота" фермер хўжалиги раиси А. Норматов 1.386.377 сўм, "Анора" фермер хўжалиги бошлиғи А. Бозорбоев 1.222.944 сўм, "Жўшқин-Жамшид" фермер хўжалиги раиси Н. Ёрлақабов 1.070.724 сўм, "Норқўзи ота" фермер хўжалиги саркори Р. Раҳматов 1.530.599 сўм, 8-мактаб директори И. Раҳматов 1.908.234 сўм "қарз тўплаб", "миллионерлик" мақомига эришдилар!

Улардан "ўрнак" олган яна бир қатор истеъмолчилар қарзларини "мустаҳкамлаб, кўпайтириш"га ҳаракат қилмоқдалар. Чунончи, Охунбобоев ҚФЙ раиси М. Исоқов 732 минг 459 сўм, Меҳнатобод ҚФЙ раиси К. Мирзааҳмедов 884 минг 737 сўм, "Ёшлик" МФЙ раиси И. Қўшмонов 598 минг 961 сўм, "Ўзбекобод" МФЙ посбони М. Холмонов 405 минг 749 сўм, туман давлат солиқ инспекцияси ходими О. Йўлдошев 478 минг 013 сўм, туман ДСЭНМ бўлим бошлиғи О. Рисбоев 831 минг 924 сўм, "Нодирбек" фермер хўжалиги раиси И. Холбеков 864 минг 326 сўм, "Махмутали Майрамхон" фермер хўжалиги бошлиғи М. Холматов 804 минг 583 сўм қарздор бўлсалар ҳам пинак бузмай юрибдилар. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Шу ўринда бир савол туғилади: бу қарздорликлар қачон пайдо бўлган? Кечами ёки бугун? Бир хонадон йил давомида нари борса 350-400 минг сўмлик газ ёқади-ку! Демак, бу қарзлар йиллар давомида тўпланиб келган. Истеъмолчилар ўз бурчини унутаётгандир, бироқ, "Бекободтумангаз" корхонаси ходимлари қаёққа қарашаяпти? Наҳотки, йиллар давомида қарздорлар билан муроса қилиб келишса? Уларнинг келишувчанлиги натижасида юзага келган қарздорликни вилоят, туман раҳбарлари ундириб бериши керакми? Гапнинг тўғрисини айтганда, 20 нафардан ортиқ назоратчилари бўла туриб, бундай ҳолатнинг юзага келишига аввало, уларнинг ўзлари сабабчи эмасмикан? Йўқса, қарздорлик муддати ўтган хонадонларни вақтида огоҳлантириб, зарур бўлса, табиий газ тармоғидан узиб қўйиб, кескин чора кўрган бўлишар эди.

Биз "миллионер" истеъмолчиларни қўллаб-қувватлаб келаётган "ҳотамтой" раҳбарлардан юқоридаги қатор-қатор саволларимизга жавоб кутамиз.

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

# ДЕМОКРАТИЯ, ОШКОРАЛИК ВА ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИК АСОСИДА

**– Ишчи гуруҳ томонидан кўчаларда вакиллар сайлаш бўйича ўтказилаётган умумий йиғилишларда сайловчиларнинг камида қанча фоизи қатнашиши шарт?**

– Сайлов қонунчилигида ушбу норма белгиланмаган. Ишчи гуруҳи ҳовлилар, уйлар ва кўчалар аҳолисининг фуқаролар вакиллари сайлови бўйича умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой ҳақида фуқароларни хабардор қилиши шарт. Умумий йиғилишда фуқароларнинг иштирок этиш ҳуқуқларини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади. Фуқароларни умумий йиғилишда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка мажбур қилиш мумкин эмас. Ишчи гуруҳи умумий йиғилишга келганларни рўйхатга олади ҳамда фуқароларнинг сайланган вакиллари ҳақидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда баённома тузади.

**– Фуқаролар йиғини раисининг маслаҳатчилари лавозимига номзодларга қандай талаблар қўйилган?**

– "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонунда раиснинг маслаҳатчилари лавозимига номзодларга талаблар қўйилмаган. Бироқ, янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддасида фуқаролар йиғинларида фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича тузиладиган 8 та комиссияга, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари раҳбарлик қилиши белгиланган. Демак, раиснинг маслаҳатчилари лавозимига тегишли йўналишдаги комиссияларга раҳбарлик қилиш салоҳиятига эга бўлган, муносиб фуқароларни сайлаш муҳим аҳамият касб этади.

**– Фуқаролар йиғини фаолиятининг молиявий асослари қандай маблағлардан ташкил топади, фуқаролар йиғини бюджет ҳисоб рақамидан ташқари ўзи шакллантирадиган маблағлар учун ҳисоб рақамини очиши мумкинми?**

– Мумкин. Бу ҳисоб рақами аксарият фуқаролар йиғинларида очилган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий асоси ўз маблағларидан, маҳаллий бюджетлар маблағларидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайрияларидан, фуқаролар йиғинининг бино ва бошқа мол-мулкини ижарага беришдан тушган маблағлардан, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маблағлардан ташкил топади.

**– Фуқаро ўз номзодини фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзод этиб кўрсатиши мумкинми?**

– Ишчи гуруҳига фуқаро ўз номзодини тавсия этиши мумкин. Ишчи гуруҳи ушбу номзодни фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларга қўйиладиган талабларга жавоб беришини кўриб чиқади.

**– Фуқаролар йиғини раисини сайлаш яширин овоз бериш орқали амалга оширилиши мумкинми, буни ким ҳал қилади?**

– Мумкин. Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш очиқ ёки яширин овоз бериш орқали амалга оширилади. Овоз бериш шакли тўғрисидаги қарор сайлов куни фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади.

**– Фуқаролар йиғини раисининг маслаҳатчилари ҳам муқобиллик асосида сайланадими?**

– Ҳа. Фуқаролар йиғини раисининг маслаҳатчиларини сайлаш ҳам икки ва ундан кўп номзод кўрсатган ҳолда амалга оширилади. Бу фуқароларга энг муносиб номзодлар ичидан саралаб, танлаб олиш имкониятини беради.

**– Оғир ва ўта оғир жиноят содир этган шахсларнинг судланганлик ҳолати қачон тугалланган ҳисобланади?**

– Жиноят кодексининг 78-моддасига асосан оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин – етти йил ўтгач, ўта оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин – ўн йил ўтгач шахснинг судланганлик ҳолати тугалланган ҳисобланади.

– Тадбирларда сайловга тайёргарлик, бу борада эътиборталаб муҳим жиҳатлар муфассал муҳокама қилинди, – дейди фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси раиси Баҳодир Тоғаев. – Уларда кўмаклашувчи комиссия ва ишчи гуруҳларнинг аосисй вазифалари, сайловни ўтказиш тартиби, унинг якунларни эълон қилиш, сайлов жараёнини оммавий ахборот воситаларида ёритишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Бу галги сайловлар янги таҳрирдаги "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловзи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни талаблари бўйича ўтказилаётгани сабабли, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти таҳлили, чуқур ўрганилиши сайловларни уюшқоқлик билан ўтказишнинг муҳим омилидир.

(Давоми. Боши 1-бетда).



# НОМЗОДЛИККА МУНОСИБЛАР ТАНЛАНМОҚДА

**Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш масалаларига бағишлаб, жойларда семинарлар ташкил этилмоқда. Куни кеча шундай семинарлардан бири Янгийўл тумани "Эски қовунчи" қишлоқ фуқаролар йиғини биносида бўлиб ўтди.**

Учинчи бор ташкиллаштирилган ўқув-семинарда маҳалла фаоллари, ишчи гуруҳ вакиллари, 50 га яқин фуқаролар иштирок этди. Семинарда "Фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Чирчиқ шаҳрида ўтказилган сайловолди минтақавий семинарда муҳокама этилган масалалар ҳақида атрофлича сўз юритилди.

– Қишлоғимизнинг дардини ўз дарди деб биладиган, ютуғидан хурсанд бўладиган, камчилигидан қайғурадиган, халқни ортидан эргаштира оладиган билимли ва бой ҳаётий тажрибага эга номзодни сайлашимиз керак, – дейди "Эски қовунчи" қишлоқ фуқаролар йиғини ишчи гуруҳи раиси Нажмиддин Жўрабоев. – Бунинг учун қишлоқ аҳолиси, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг сайловда фаол иштирок этишларини таъминлаш, кўрсатилган номзодларнинг муносибларини сайлашга алоҳида эътибор қаратишингиз лозим.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**Даврон АҲМЕДОВ (сурат),**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.**

# ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

**Ангрен шаҳрида шу йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик ишлари қизғин бормокда.**

Бу йил Ангрен шаҳридаги 52 та маҳалла фуқаролар йиғинларида сайловлар ўтказилади. Айни кунларда кўмаклашувчи комиссия танлаб олган 146 номзоднинг ҳужжатлари тегишли талаблар асосида кўриб чиқилмоқда.

Бўлажак сайловларни юқори савияда ўтказиш, аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштиришга қаратилган қонун, фармон, қарор ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини оммага тушунтириш мақсадида семинар ва учрашувлар ташкил этилмоқда. Навбатдаги шундай семинарда вилоят кўмаклашувчи комиссияси аъзолари иштирок этдилар. Учрашувда фуқаролар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

**Гулшода ШАХОНОВА.**

Тадбир

# МАДАНИЯТ МАРКАЗИДА БАЙРАМ

**Халима Носирова ва Пўлат Булбул ўғли, Мунożот Йўлчиева ва Зайнаб Хонларова. Тили ва дили, маданияти ва урф-одатлари бир-бирига ҳамоҳанг ўзбек ва озарбайжон халқлари миллий санъати довруғини жаҳон узра кенг ёйган, ҳар иккала халқни бир-бирига яқинлаштирган буюк санъат дарғалари.**

Куни кеча шаҳримиздаги Ҳайдар Алиев номидаги Озарбайжон маданият марказида ўзбек-озарбайжон дўстлик кечасига айланиб кетган Озарбайжон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали тадбир ва байрам концертида бўлганимизда юқоридаги фикрлар хаёлимиздан ўтди.

Озарбайжоннинг умуммиллий етакчиси Ҳайдар Алиев ҳайкали пойига гул қўйиш маросимидан сўнг сўзга чиққан Озарбайжон маданият маркази директори Самир Аббосов Озарбайжон халқининг мустақилликка эришиши тарихи, истиқлолдан кейин ўтган қисқа вақт ичида эришилган ютуқлар, шунингдек, Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий-маърифий алоқалар кўлами ҳақида тўхталар экан, ўзбек ва озар халқларига бир отанинг икки авлоди дея жуда тўғри таъриф берди. Шунингдек, Ўзбекистон-Озарбайжон дўстлик жамиятининг ижрочи директори Эркин Нуриддинов ҳар иккала мамлакат ўртасида тобора кенгайиб бораётган дўстона муносабатлар, хусусан, дўстлик жамиятининг фаолияти ҳақида маълумот берди. Ўзбекистон Пазандалар уюшмаси раҳбари Суннатилла Сулаймонов ошпазларимизнинг Озарбайжонда ўтказилган халқаро танловдаги иштироки ҳақида тўхталди.

Байрам концерт дастури ҳам жуда қизиқарли ўтди. Ниҳол мукофоти совриндорлари Исроил Саидумаров ва Абдумалик Тотли ижросида ҳар икки тилда янграган дилтортар қўшиқ ва шўх мақомлар, Озарбайжон маданият маркази қошидаги "Озарбайжон қизлари" дастаси ёш раққосалари иштирокидаги мусиқали чиқишлар йиғилганлар дилида завқ-шавқ уйғотиб, уларни даврага чорлади.

– Бу каби маданий-маърифий ва дўстлик кечаларини тез-тез ўтказиб турамиз, – дейди Озарбайжон маданият маркази ходими Гюнай хоним. – Ўйлаймизки, бундай тадбирлар ҳар иккала мамлакат халқларини янада яқинлаштириш, дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш борасида ўзига хос омилдир.

**Дилшод ИСРОИЛОВ.**

Матбуот анжумани

# ЭЪТИРОФ ВА ФАОЛИЯТ

**Жаҳондаги энг кекса, энг нуфузли инсонпарвар ташкилот ҳисобланган Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари халқаро ҳаракати ташкил топганига 150 йил тўлди. Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти унинг ажралмас бўлаги сифатида салкам 90 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда.**

Мустақиллик йилларида бу инсонпарварлик ташкилоти тарихида янги, ёрқин давр бошланди. Ўзбекистондаги ягона ва мустақил Миллий Жамият сифатида эътироф этилди. Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти фаолияти ва вазифаларига бағишланган матбуот конференциясида сўзга чиққан жамият раиси, профессор Ҳамид Каримов ташкилот фаолияти ҳақида жумладан, шундай деди:

– Мамлакатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти тўғрисида"ги Фармони эълон қилингач, ташкилот фаолиятига эътибор кучайди. Жамиятнинг моддий-техник базаси тубдан мустаҳкамланди. Бугунги кунда замонавий техника билан жиҳозланган республика марказий офиси фаолият кўрсатмоқда. Давлат ва маҳаллий ҳомийлар ёрдамида "Инсонийлик" ўқув услубий марказ биноси қуриб битказилди. Жамиятнинг асосий вазифаларидан бири аҳолининг муҳтож қисмига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишдир. Юртбошимиз қарори билан тасдиқланган "2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар" Дастури доирасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жамиятнинг 170 меҳр-шафқат ҳамширалари 3033 якка-ёлғиз, ўзгалар қарамоғига муҳтож фуқароларга уйида хизмат кўрсатмоқда. Ташкилот ҳомийлигида бўлган 14 минг 232 фуқарога 400 млн. сўмдан зиёд моддий ёрдам берилди. Бундай тадбирлар мунтазам ўтказиляпти. Шунингдек, жамият ташкилотлари беғараз донорликни кенг тарғиб қилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Фарғона, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган тиббий марказлар муҳтож фуқароларга ёрдам бермоқда...

Шунингдек, фавқулодда вазиятларга тайёргарлик кўриш, халқаро қидирув хизмати, халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи билимларини тарқатиш бўйича ташкил этилган тармоқнинг самарали фаолияти ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Қисқаси, инсонпарварлик тамойиллари устувор мамлакатимизда ҳар бир хайрли саъй-ҳаракатлар қўллаб-қувватланади. Шу маънода жамиятнинг молиявий барқарорлиги ва мустақиллигини таъминлаётган имкониятлар туфайли биргина 2013 йилда 4 миллиард сўм тўпланди. Бу маблағлар ҳисобидан жамият Устави талаблари асосида муҳтожларга манзилли ёрдам кўрсатилади. Республиканинг 191 туманидаги 2400 дан зиёд бошланғич ташкилотлар фаолияти беғараз инсонпарварлик ёрдамларини ўз вақтида амалга ошириши шубҳасиз.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**

# САЛОМАТЛИК ҲАФТАЛИГИ

**Республика Президентининг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш доирасида ташкил этилаётган "Саломатлик ҳафталиги" давомида Бўстонлиқ туманининг Хондайлиқ, Қўшқўрғон, Янгиовул, Сойлиқ ва бошқа қишлоқларида аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.**

Бунда айниқса фертиль ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар ва болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ташкил этилган гуруҳлар таркибида тажрибали терапевт, педиатр, акушер-гинеколог ҳамда ультратовушли аппарат мутахассисларининг борлиги кўрикни ҳар томонлама сифатли ўтказилишини таъминламоқда.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

# ТАДБИРКОР АЁЛ – ОИЛА ФАЙЗИ

**Ўзбекистон либерал демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси уюштирган амалий семинар "Оила ва жамият фаровонлигини оширишда аёллар тадбиркорлигининг роли" мавзусига бағишланди.**

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Халқ депутатлари вилоят ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси вакиллари, партиянинг фаол тадбиркор ва фермер аёллари иштирок этишди.

Семинарда аёллар тадбиркорлигининг оила ва жамият ҳаётидаги ўрни, уларга яратилаётган имкониятлар, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш ва маҳсулотлари экспортини қўллаб-қувватлашда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг амалий ҳиссаси ҳақида сўз борди. Шунингдек, тадбир давомида ташкил этилган кўргазмада вилоятимиз тадбиркорлари ҳам ўз маҳсулотларини намойиш этишди.

**Сайёра РАҲМОНОВА.**

# ҚОНУН МУКАММАЛ, ҲАММА ГАП ИЖРОДА

Қонунда сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) қарори билан ишчи гуруҳи тузилиши белгиланди. Унинг таркибига ҳудуддаги нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши депутати киритилиши белгиланди.

Ишчи гуруҳ фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилайди ҳамда уни ўтказишдан камида беш кун олдин аҳолини хабардор қилади. Ҳовли, уй, кўча ҳамда шаҳарча, қишлоқ ва овуллардаги маҳаллалар аҳолисининг умумий йиғилишларини ўтказади. Тегишли комиссияга тақдим қилиш учун раис ва маслаҳатчи лавозимига номзодлар бўйича аҳоли фикрини ҳисобга олиб, таклифлар тайёрлайди. Бўшаб қолган ўринларга раис ва маслаҳатчи сайлови ўтказилишини ташкил этади. Шунингдек, жорий этилган тартибга кўра ишчи гуруҳ фуқаролар йиғини раиси лавозимига келишилган номзодлар ҳақидаги ахборотни сайловдан камида беш кун олдин фуқаролар йиғини биносига ва гузарларга осиб қўяди. Ушбу чора-тадбирлар ишчи гуруҳнинг мустақиллиги ва холислиги, сайловнинг очиқ-ошкоралиги ва адолатлилигини таъминлайди.

Сайловни муқобиллик тамойили асосида ўтказиш, яъни фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига икки ва ундан ортиқ номзод кўрсатилиши белгиланган. Номзодлар сайлов бошланишидан олдин фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши)да ўз дастурини эълон қилади.

Қонунда фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларга талаблар кучайтирилди. Уларга Ўзбекистон фуқароси, сайловга қадар камида беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларда ёхуд тадбиркорлик ва бошқа соҳада иш тажрибасига эга бўлиш каби қўшимча талаблар қўйилди. Кўриниб турибдики, маҳаллий ҳокимият қуйи бўғинининг бўлажак сардори кўп фазилат, билим, иқтидор соҳиби, энг муҳими элдошларининг ишончини қозонган бўлиши лозим. Зеро, халқ ўзи сайлаган раҳбарларни қўллаб-қувватлаган ҳолда улар билан елкама-елка туриб ҳаёт, давр ва жамият тақозо этаётган ишлар ва вазифаларни амалга оширмоқда, муаммоларни ҳал этаяпти. Бу борада ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарларининг масъулияти юқори.

Шуниси аёнки, навбатдаги сайлов янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунларга амал қилган ҳолда ўтказилади. Бу ҳар иккала ҳуқуқий ҳужжатда қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раҳбарлари ва маслаҳатчилари бурчи ҳамда вазифалари, уларга қўйилаётган талаблар тўлақонли ифодаланган, сайловни юқори савияда ўтказиш, муносиб номзодларни танлашнинг асослари ҳам кўрсатиб берилган.

Республика Олий Мажлиси Сенати Кенгаши "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида" шу йил 12 сентябрда қабул қилган қарори билан 2013 йил ноябрь-декабрь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режаси ҳамда Сенат Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси таркиби тасдиқланди.

Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари ваколати муддати шу йил ноябрь-декабрь ойларида тугаши муносабати билан Конституциямиз ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид қонунларнинг моддалари ҳамда Сенат Кенгашининг юқоридаги қарорига асосан ўтказилган Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдаги XXIX сессиясида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш ноябрь-декабрь ойларига белгиланди. Шунингдек, сайловни ташкил этиш ва шунга доир тадбирлар режаси, вилоят Кенгашининг сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси таркиби тасдиқланиб, бугунги кунда ўзини ўзи бошқариш органларига навбатдаги сайловни ўтказишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Бўлажак сайловларда 1157 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 11 мингдан зиёд маслаҳатчилари сайланиши назарда тутилган. Шаҳар ва туманларда сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига кўмаклашиш, зарурат бўлганда, уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаш, Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига ўз сайлов округларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни тайёрлаш ва ўтказишни ташкил этишда фаол иштирок этиш вазифалари белгиланган.

**Мастура ШОКИРОВА,**
**Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси бош мутахассиси.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қишлоқ мулкдорлари

# ТЕХНИКА – ФЕРМЕРНИНГ ҚАНОТИ



**"Мадинабону Иброҳим" Юқори Чирчиқ туманидаги кенжа фермер хўжаликларидан. 2011 йилда ташкил этилган хўжаликнинг экин майдонлари аввалги эгалари яхши қарамагани боис бироз хароб эди. Адҳам Солиҳов 69,9 гектар ерни тартибга келтиргунча, анча тер тўкди. Ўшанда билдики, фермер ўз техникасига эга бўлмаса, иши юришмас экан. Техникали бўлиш учун маблағ керак. Маблағ хўжаликнинг даромадидан йиғилади. Даромад баракали бўлиши учун ҳосил ҳам мўл, ҳам сифатли бўлиши керак.**

Янги фермер шуларни ўйлаб ишга киришди. Биринчи йилдаёқ ер шароити оғир бўлишига қарамай, давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла сотиш шартномаларини ортиғи билан бажарди. Ишончга киргани боис, кейинги йили яна 88,1 гектар ер қўшиб беришди.

Ҳосилдорлик барқарорлашиб, даромадга барака киргач, фермер чўчимай, техника харид қилишга зўр берди. "Микрокредитбанк"нинг 5 йил муддатга мўлжалланган кредитидан лизинг йўли билан "Беларусь-1221" русумли ҳайдов ва МТЗ-80 русумли чопиқ тракторларини тўла жамлама қисмлари билан сотиб олди.

– Шундан сўнг кредитдан тезроқ қутулиш ва янги кредит ҳисобидан яна техникалар харид қилишни мўлжаллаб, ҳосилдорликни ошириш ва даромадни кўпайтириш ҳаракатига тушдик, – дейди Адҳам Солиҳов. – Уринишларимиз зое кетмади. Ҳам ғалла, ҳам пахтадан яхши даромад кўрадиган бўлдик.

2012 йил кузда 158 гектар экин майдонининг 95 гектарига уч хил – "Бобур", "Таня" ва "Краснодар" буғдой навлари синаш учун экилди. Ўғитга тўйдирилиб, сувга қондирилган буғдой салкам 48 центнердан ҳосил тўкди. Давлат эҳтиёжлари учун шартномадагидан анча кўп – 380 тонна ғалла сотди. Хўжаликнинг ўзига 75 тонна буғдой қолди.

52,4 гектардаги С-6524 нав ғўза ҳам обдон бўлиб берди. Тўққиз иш кунида шартномадаги 150 тонна ўрнига 186 тонна ҳосил топширилди. 151 тонна хом ашё биринчи навга қабул қилинди.

– Кўриниб турибдики, лизингга олган техникаларимиз қарзидан ҳадемай қутуламиз, – дейди фермер. – Лекин бу йилги мавсумда бир нарсадан кўнглим тўлмади. Пахта ҳосилдорлигини 40 центнерга етказмоқчи эдим. Аммо, 35,5 центнер ҳам бизнинг шароитимизда чакки ҳосил эмас. Кейинги мавсумда қирқ центнерчилар сафига албатта қўшиламиз.

Адҳам Солиҳов ғаллачиликда ҳам 50 центнерчилар қаторидан жой олишни кўзлаётгани бугунги хатти-ҳаракатидан сезилиб турибди. Синов учун экилган учта навдан "Краснодар" энг кўп ҳосил тўкди. Шуни ҳисобга олиб, келаси йил ҳосили учун 105 гектарга шу нав буғдой уруғи сепилди. Бир йўла гектарига 200 килограммдан фосфорли ва 50 килограммдан калийли ўғит берилиб, қондириб суғорилган ғалла қийғос униб, ер бетини қоплади. Совуқ кунлар бошлангунча, қалин туплаб, қишдан дуркун чиқиши таъминланди.

**СУРАТДА:** фермер Адҳам Солиҳов ва механизатор Бегимқул Жанисов.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари (мулклар) қўйилмоқда: 1. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 15.02.2012 й. № 3916-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и.ч. "ИЖ 21-25" д.р. 11 I 2296. Бошланғич баҳоси – 301 860 сўм. 2. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 01.08.2011 й. № 7916-сонли ижро ҳужжатига асосан 1982 й. и.ч. "Москвич" д.р. 10 F 897 DA. Бошланғич баҳоси – 242 039 сўм. 3. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 23.07.2012 й. № 7692-сонли ижро ҳужжатига асосан 1984 й. и.ч. "Москвич 2140" д.р. 11 V 5694. Бошланғич баҳоси – 352 413 сўм. 4. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 25.02.2010 й. № 850-сонли ижро ҳужжатига асосан 1976 й. и.ч. "М-412 ИЭ" д.р. 11 G 4538. Бошланғич баҳоси – 122 914 сўм. "Бекободсавдо" МЧЖ омборида сақланмоқда (1,2,3,4). 5. Оҳангарон тумани СИБ томонидан 14.06.2013 й. № 11-1335/4814-сонли ижро ҳужжатига асосан 2008 й. и.ч. "Класс-Доминатор" д.р. 15-94 ЕЦ. Бошланғич баҳоси – 146 000 000 сўм. 6. Оҳангарон тумани СИБ томонидан 16.04.2012 й. № 1-84/12-сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. и.ч. "ИЖП 3" д.р. 83 81 ТШИ. Бошланғич баҳоси – 526 848,30 сўм. Оҳангарон тумани Оҳангарон раҳмонтранссервис майдончасида сақланмоқда (5,6). 7. Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 25.08.2009 й. № 220/2009-сонли ижро ҳужжатига асосан 1974 й. и.ч. "Ваз-2101" д.р. 11 A 0487. Бошланғич баҳоси – 488 393 сўм. 8. Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 20.06.2010 й. № 158-2010-сонли ижро ҳужжатига асосан 1989 й. и.ч. "Газ 2417" д.р. 11 M 0152. Бошланғич баҳоси – 786 478 сўм. 9. Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 13.11.2012 й. № 1-257-сонли ижро ҳужжатига асосан 1978 й. и.ч. "М 412 ИЭ" д.р. 10 X 213 AA. Бошланғич баҳоси – 552 457 сўм. 10. Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 18.03.2009 й. № 1-25-сонли ижро ҳужжатига асосан 1988 й. и.ч. "М 412 ИЭ" д.р. 11 Z 8304. Бошланғич баҳоси – 436 686 сўм. Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент 2 "Мариам Текстил Сервис" МЧЖ жарима мйдончсида сақланмоқда. (7,8,9,10). 11. Бектемир тумани СИБ томонидан 12.02.2013 й. № 1-13-сонли ижро ҳужжатига асосан 1991 й. и.ч. "ГБА СПГ Кавз 3271" д.р. 01 823 NBA. Бошланғич баҳоси – 4 844 325,03 сўм. 12. Бектемир тумани СИБ томонидан 12.02.2013 й. № 1-13-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и.ч. "ГБА СНГ Газ 5205" д.р. 01 935 TBA. Бошланғич баҳоси – 2 580 920,07 сўм. 13. Бектемир тумани СИБ томонидан 11.01.2013 й. № 1-57-сонли ижро ҳужжатига асосан 2007 й. и.ч. "Газ 33020214" д.р. 01 418 DCA. Бошланғич баҳоси – 38 502 000 сўм. 14. Бектемир тумани СИБ томонидан 01.05.2013 й. № 1-237-сонли ижро ҳужжатига асосан 1974 й. и.ч. "Ваз 2103" д.р. 10 S 081 DA. Бошланғич баҳоси – 4 930 581,82 сўм. 15. Бектемир тумани СИБ томонидан 08.04.2013 й. № 1-74-сонли ижро ҳужжатига асосан 1977 й. и.ч. "Ваз-2103" д.р. 10 R 769 CA. Бошланғич баҳоси – 5 165 214,93 сўм. Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланмоқда. (11,12,13,14,15). 16. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 25.01.2013 й. № 672/15-сонли ижро ҳужжатига асосан 2002 й. и.ч. "Мерседес Бенц C240" д.р. 10 P 479 FA. Бошланғич баҳоси – 39 501 000 сўм. 17. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 25.01.2013 й. № 671/15-сонли ижро ҳужжатига асосан 1999 й. и.ч. "BMW" д.р. 01 Z 091 CA. Бошланғич баҳоси – 35 910 000 сўм. 18. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 28.06.2013 й. № 8481/15-сонли ижро ҳужжатига асосан 2010 й. и.ч. "СПАРК" д.р. 01 X 708 KA. Бошланғич баҳоси – 26 730 000 сўм. 19. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 28.06.2013 й. № 8482/15-сонли ижро ҳужжатига асосан 2012 й. и.ч. "СПАРК седан" д.р. 01 Y 466 KA. Бошланғич баҳоси – 29 160 000 сўм. 20. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 28.06.2013 й. № 8484/15-сонли ижро ҳужжатига асосан 2007 й. и.ч. "AUDI Q7" д.р. 01 U 747 BA. Бошланғич баҳоси – 157 500 000 сўм. 21. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 28.06.2013 й. № 8486/15-сонли ижро ҳужжатига асосан 2010 й. и.ч. "Нексия" д.р. 01 434 CBA. Бошланғич баҳоси – 27 753 660 сўм. 22. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 28.06.2013 й. № 8488/15-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и.ч. "Эпика" д.р. 01 393 SAA. Бошланғич баҳоси – 50 395 950 сўм. Чорсу жарима майдонида сақланмоқда. (18,19,20,21,22). Аукцион савдоси 2013 йил 18 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 23. Миробод тумани СИБ томонидан 13.05.2013 й. № 13966/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 2012 й. и.ч. "Спарк 1" д.р. сиз. Бошланғич баҳоси – 29 159 190 сўм. Уз.Рес.МХХ Тошкент вилоят бошқармаси. 24. Қибрай тумани СИБ томонидан 11.06.2013 й. № 10701/10-сонли ижро ҳужжатига асосан 2008 й. и.ч. "Класс Доминатор-130" д.р. 0607 EK. Бошланғич баҳоси – 120 000 000 сўм. Ф/Х омборида сақланмоқда. 25. Қибрай тумани СИБ томонидан 10.09.2012 й. № 17967/11-сонли ижро ҳужжатига асосан 2008 й. и.ч. "Нексия Сонс GLE" д.р. 01 C 398 FA. Бошланғич баҳоси – 27 242 170 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 2 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари (мулклар) билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси (мулк) бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси (мулк) учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "SPARETRA" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО 01103, СТИР 301829604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси (мулк) қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55.

## «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

1. Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 03.08.2012 й. № 2-79-12-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Чорбоғ қўрғони БУУ "Чорбоғ гўзал боғи" 7-А уйда жойлашган далаҳовли. Бошланғич баҳоси – 1 429 179 086 сўм. 2. Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 17.09.2012 й. № 1-423-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Хумсон қ.ф.й., "Қизил Чорва" қишлоғида жойлашган далаҳовли. Бошланғич баҳоси – 291 472 196 сўм. 3. Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест Плюс Сервис" х.к. ҳудудида жойлашган 19-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 33 862 478 сўм. 4. Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест Плюс Сервис" х.к. ҳудудида жойлашган 20-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 30 622 992 сўм. 5. Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест Плюс Сервис" х.к. ҳудудида жойлашган 27-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 29 755 790 сўм. 6. Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест Плюс Сервис" х.к. ҳудудида жойлашган 29-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 29 924 981 сўм. 7. Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест Плюс Сервис" х.к. ҳудудида жойлашган 35-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 30 413 753 сўм. 8. Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест Плюс Сервис" х.к. ҳудудида жойлашган 38-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 30 478 070 сўм. 9. Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест Плюс Сервис" х.к. ҳудудида жойлашган 58-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 19 107 078 сўм. 10. Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест Плюс Сервис" х.к. ҳудудида жойлашган 64-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 24 267 359 сўм. 11. Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест Плюс Сервис" х.к. ҳудудида жойлашган 65-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 24 178 100 сўм. 12. Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест Плюс Сервис" х.к. ҳудудида жойлашган 66-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 24 847 544 сўм. 13. Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест Плюс Сервис" х.к. ҳудудида жойлашган 67-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 24 893 029 сўм. 14. Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест Плюс Сервис" х.к. ҳудудида жойлашган 69-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 23 519 848 сўм. 15. Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест Плюс Сервис" х.к. ҳудудида жойлашган 84-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 24 893 029 сўм. 16. Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест Плюс Сервис" х.к. ҳудудида жойлашган 46-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 191 684 535 сўм. 17. Зангиота тумани СИБ томонидан № 11379/24-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест Плюс Сервис" х.к. ҳудудида жойлашган Ошхона Биноси. Бошланғич баҳоси – 222 107 306 сўм. 18. Зангиота тумани СИБ томонидан № 11384/24-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест Плюс Сервис" х.к. ҳудудида жойлашган 31-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 34 115 359 сўм. 19. Зангиота тумани СИБ томонидан № 11378/24-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест Плюс Сервис" х.к. ҳудудида жойлашган 56-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 28 740 600 сўм. 20. Шайхонтохур тумани СИБ томонидан 05.11.2012 й. № 23-1207/4636, 24.12.2012 й. № 23-1207/14457(11)-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Жанубий Шарқий саноат ҳудудидаги, Проектная кўчаси, Г-44 уйда жойлашган қуйидаги мол мулклар: 1. 800 кв.м (2799,0 м.куб) бўлган маъмурий бино. Бошланғич баҳоси – 322 867 643 сўм. 2. 1021 кв.м (3369,0 м.куб) бўлган маъмурий бино. Бошланғич баҳоси – 193 000 171 сўм. 3. 969 кв.м (6299,0 м.куб) бўлган цех биноси. Бошланғич баҳоси – 534 835 224 сўм. 4. 716 кв.м (2148,0 м.куб) бўлган омбор биноси. Бошланғич баҳоси – 120 260 430 сўм. 5. 189 кв.м (567,0 м.куб) бўлган ошхона биноси. Бошланғич баҳоси – 61 390 055 сўм. 6. -345,0 кв.м бўлган гараж биноси. Бошланғич баҳоси – 259 715 245 сўм. 7. 371 кв.м (1597,0 м.куб) бўлган омбор биноси. Бошланғич баҳоси – 98 315 936 сўм. 8. -73,0 кв.м бўлган навес. Бошланғич баҳоси – 4 532 655 сўм. 9. 54 кв.м (208,0 м.куб) бўлган трансформатор. Бошланғич баҳоси – 27 758 831 сўм. 10. 21 кв.м (63,0 м.куб) бўлган қоровулхона биноси. Бошланғич баҳоси – 9 420 973 сўм. 11. -баландлиги 2,50 м бўлган 300 м. темир-бетон қўрғони. Бошланғич баҳоси – 27 977 633 сўм. 12. 2759 кв.м (17 106,0 м.куб) бўлган цех биноси. Бошланғич баҳоси – 972 277 956 сўм. 13. -22,5 м. куб бўлган 2 дона темир дарвоза. Бошланғич баҳоси – 6 334 445 сўм. 14. -14,0 м.куб бўлган 1 дона темир дарвоза. Бошланғич баҳоси – 1 689 185 сўм. 15. -7500,0 м.куб бўлган асфальтобетонная покрытия. Бошланғич баҳоси – 65 830 278 сўм. 4. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 05.11.2012 й. № 23-1207/4636, 24.12.2012 й. № 23-1207/14457(11)-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Яккасарой тумани, Яккасарой кўчаси, 7-уйда ва Тошкент шаҳри, Сағбон кўчаси, 30/79-А уйда жойлашган қуйидаги мол-мулклар: 1. 38 кв.м (125,0 куб) бўлган АЗС-оператор биноси. Бошланғич баҳоси – 17 708 160 сўм. 2. Заправочные островки. Бошланғич баҳоси – 8 368 757 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 18 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. 21. Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 18.06.2013 й. № 01-166-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, "Хўжакент" қ.ф.й., Қоранкўл қишлоғида жойлашган "Одил" фермер хўжалиги бино-иншоотлари. Бошланғич баҳоси – 1 826 501 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 2 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204936050001, МФО 01103, СТИР 207125885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Лицензия: RR-0052.

## «AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

2013 йил 19 ноябрь куни соат 11:00 да, Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уйда, бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

I. Зангиота туман СИБ томонидан 2012 йил 26 мартдаги 2-29-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Sarco Distrebution" МЧЖда сақланаётган: 1. 2007 йилда и/ч., дав. бел. 10 014 KAA бўлган "ISUZU SAZ NQR 71 PL" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 37 200 195 сўм. 2. 2007 йилда и/ч., дав. бел. 10 016 KAA бўлган "ISUZU SAZ NQR 71 PL" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 37 281 420 сўм. 3. 2007 йилда и/ч., дав. бел. 10 021 KAA бўлган "ISUZU SAZ NQR 71 PL" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 36 493 965 сўм. 4. 2007 йилда и/ч., дав. бел. 10 024 KAA бўлган "ISUZU SAZ NQR 71 PL" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 37 183 635 сўм. 5. 2007 йилда и/ч., дав. бел. 10 095 DAA бўлган "ISUZU SAZ NQR 71 PL" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 37 293 390 сўм. 6. 2010 йилда и/ч., дав. бел. 10 749 LAA бўлган "ISUZU SAZ NQR 71 PL" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 48 508 425 сўм. II. Зангиота туман СИБ томонидан 2012 йил 3 августдаги 2-79/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Кўк терак Матлубот Инвест" МЧЖ омборхонасида сақланаётган: 1. 2009 йилда и/ч., дав. бел. 10 757 KAA бўлган "Эпика" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 55 991 749 сўм. 2. 2010 йилда и/ч., дав. бел. 10 098 OAA бўлган "Эпика" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 54 947 112 сўм. 3. 2010 йилда и/ч., дав. бел. 10 095 OAA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 42 162 181 сўм. III. Зангиота туман СИБ томонидан: 1. 2013 йил 21 февралдаги 1-39/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган, 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 N 345 BA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 18 671 000 сўм. 2. 2012 йил 17 июлдаги 1-143-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Tehno-Drob-Invest" МЧЖда сақланаётган, 1985 йилда и/ч., дав. бел. 10 130 BAA бўлган "Камаз-5511" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 35 833 000 сўм. IV. Сергели туман СИБ томонидан 2012 йил 24 сентябрдаги 1-381/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сергели тумани, Файзли кўчаси, 3-уйда сақланаётган: 1. 2008 йилда и/ч., дав. бел. M 7727 бўлган "БМВ" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 191 319 517,70 сўм. 2. 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 754 MAA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 24 638 474,60 сўм. 3. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 BJ 015 бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 25 378 437,90 сўм. 4. 2001 йилда и/ч., дав. бел. 10 AG 777 бўлган "Мерседес-Бенц" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 53 961 782,39 сўм. 5. 1982 йилда и/ч., дав. бел. 01 041 TAA бўлган "Зил 138 АГ" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 12 957 467,60 сўм. V. Сергели туман СИБ томонидан: 1. 2012 йил 11 апрелдаги 9611/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сергели-7, 11-сонли автоуловларни сақлаш масканида сақланаётган, 1983 йилда и/ч., дав. бел. 10 N 8495 бўлган "БМВ-520" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 6 950 777 сўм. 2. 2012 йил 3 майдаги ижро варақасига асосан хатланган, Сергели тумани СИБ ҳовлисида сақланаётган, 2000 йилда и/ч., дав. бел. 01 S 593 FA бўлган "Газ311000" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 8 934 587,50 сўм. 3. 2012 йил 22 июндаги 46/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтин водий кўчаси, 48238-ҳарбий қисмда сақланаётган, 1982 йилда и/ч., дав. бел. 30 G 8217 бўлган "ГБА СНГ Ваз-2105" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 4 322 004,10 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар эълон чиққан кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Ушбу аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Agro sanoat mulk markazi" МЧЖнинг "Капиталбанк" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел.: 250-83-29. Гувоҳнома: 006388.




MATBUOT tarqatuvchi
OCHIQ AKSIYADORLIK KOMPANIYASI

**Тошкент вилояти «Матбуот тарқатувчи» шўъба корхонасида Республика ҳамда Маҳаллий нашрларга 2014 йил обуна мавсуми давом этмоқда.**

| Вилоятнинг барча туманларида филиаллар мавжуд. | |
|---|---|
| Вилоят обуна бўлими: | 8-370 233-13-04 |
| Ангрен шаҳар филиали: | +99890 123-69-71 |
| Бекобод шаҳар филиали: | +99890 9592863 |
| Бекобод туман филиали: | +99890 167-43-27 |
| Бўстонлиқ туман филиали: | +99893 527-74-53 |
| Зангиота туман филиали: | +99890 976-47-93 |
| Олмалиқ шаҳар филиали: | +99891 787-23-53 |
| Оҳангарон туман филиали: | +99893 508-22-99 |
| Ўртачирчиқ туман филиали: | 8-370-76-21-476 |
| Чиноз тумани филиали: | 8-370-59-31-331 |
| Чирчиқ шаҳар филиали: | 8-370-71-64-617 |
| Юқори Чирчиқ туман филиали: | +99890 125-99-07 |
| Пискент туман филиали: | +99893 619-77-33 |
| Қибрай туман филиали: | +99893 613-83-16 |
| Янгийўл туман филиали: | 8-370-60-22-034 |
| Паркент туман филиали: | +99890 125-99-07 |

ОБУНАГА КЎМАКЧИ – МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ

Гувоҳнома № 000690

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 25.01.2011 йил 000744-05 реестр рақами билан рўйхатга олинган "SHUKUR-KOMMUNALCHI" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 14-мактаб томонидан 1999 йилда Кошкенбаева Амангуль Сейткасымовна номига берилган 11-синфни битирганлик тўғрисидаги UZB серияли 009527 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "MIDDLE ASIA INVEST" (ИНН 301657898), зарегистрированное ИРСП хокимията Чиланзарского района г. Ташкента за реестр № 006150-08 от 13.07.2010 г., расположенное по адресу: г. Ташкент, Чиланзарский район, 83-103, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол № 1 от 31.10.2013г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по телефону: 234-26-34.

Олмалиқ тиббиёт коллежи томонидан 2009 йилда Халматов Зафаржон Тулкинович номига берилган (рўйхат рақами 4897) К № 1396990 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани ТСРЎИ томонидан 28.08.2013 йилда 000806-08 реестр рақами билан рўйхатга олинган "GRANT FARM MEDICAL" (ИНН 205298332, ОКПО 19853053) МЧЖ **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Олмазор мавзеси, Х. Дўстлиги майдони, 7-уйда қабул қилинади.

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 05.06.2012 йилда гувоҳнома рақами № 10-09792 билан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор Хасанбаева Дилфуза Гулямовнага тегишли бўлган гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный диплом К № 3170609, выданный в 2013 году Мирабадским колледжем легкого промышленности г. Ташкента на имя Аванесян Карине Аркадьевне, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный диплом ИТ № 146001, выданный в 1985 году Ташкентским государственным музыкальным училищем им. Хамзы (Х. Ниезий) на имя Конофаловой Елены Александровны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный аттестат А № 437412, выданный в 1994 году школой № 129 Учтепинского района г. Ташкента на имя Вахобовой Нозимы Абдушукуровны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный диплом К № 852784, выданный в 2007 году Тошкент банк хисоб-кредит коллежи на имя Максудовой Нозимы Абдушукуровны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

"SAFAR-BARAKA KOMMUNALCHI" (ИНН 206633792, ОКОНХ 90190) уй-жой мулкдорлари ширкатига тегишли бўлган уставлар ва С. Раҳимов тумани ТСРЎИ томонидан 2006 йилда 001413 реестр рақами билан рўйхатга олинган 001413-сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чилонзор тумани ТСРЎИ томонидан 2007 йил 22 январда 002665-08 реестр рақами билан рўйхатга олинган "JURABEK-TAOM" хусусий корхонасига тегишли бўлган 002665-сонли гувоҳнома ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чилонзор тумани ДСИ томонидан "SORTAMENT TRADE" МЧЖ номига берилган Меркурий-115 Ф назорат касса аппарати, назорат касса дафтарчаси ва терминали йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Китобингизни ўқидим

# ЗАМОНДОШЛАР ҚИЁФАСИГА ЧИЗГИЛАР




**Ижодкор Муҳаббат Раҳмонберди қизининг "Наврўз" нашриётида чоп этилган янги "Биздан обод Ватан қолсин" китобини ўқир эканмиз, беихтиёр ангренлик замондошлар қиёфаси кўз ўнгимизда намоён бўлди.**

– Шаҳримиз аҳолиси меҳнаткаш, билимга, янгиликларга интилувчан, – дейди китоб сўз бошисида шаҳар ҳокими, вилоят кенгаши депутати Иброҳимжон Раҳмонов. – Улар орасида ақл-фаросати, тадбиркорлиги, қобилияту иқтидори билан эл назарига тушган, обрў-эътибор топганлар талайгина. Уларнинг меҳнатини юзага чиқариш, муносиб рағбатлантириш ҳар биримизнинг бурчимиздир...

Айни шу бурчни, таъбир жоиз бўлса, ўз қувваи ҳофизаси даражасида астойдил адо этишга ҳаракат қилган Муҳаббат Абдуқодированинг изланиш ва интилишлари самарасида дунёга келган рисола ҳақиқатан ҳам Ватан ободлиги, турмуш фаровонлиги йўлида жон куйдираётган фидойи инсонлар ҳақида. Муаллиф аввало, инсонийлик фазилатларини ардоқлайдиган одамлар ҳақида ёзишга ҳаракат қилади. Ва буни талаб даражасида уддалайди ҳам. Унинг дастлабки ҳикояси касблар ичида энг улуғи – муаллимликни бутун умр шарафлаб келган кекса устозлар Юнус ота ҳамда Хурсаной ая Иброҳимовларнинг обод турмуши, оиласи ҳақида. Равшаной, Дилоромхон, Шоҳидахон, Райҳоной каби ўқитувчи, Фарҳоджон, Қаҳрамон каби муҳандис уста, Жамилахондек тадбиркор ўғил-қизлари кекса устозларнинг сермазмун ҳаёт йўлларидаги ёруғ чироқлар.

Китобда бу каби ибратли хонадон соҳиблари, садоқат, қаноат фаришталари ҳақидаги ҳикоялар кўп. Муаллиф уларни жамлаб, "Ободлик маҳалладан бошланади" дея номлаган. Эътиборлиси, ҳар бир ҳикояда нафақат муаллиф, балки қаҳрамонлар ҳақида қўни-қўшни, касбдошларнинг ҳам фикрлари келтирилгани, китобхонда ишонч, ҳавас уйғотади. Ўн қисмдан иборат китоб мундарижаси ижтимоий ҳаётнинг ҳар жабҳасида муносиб изи бор инсонлар ҳақида хабар беради: "Бу замин – мард паҳлавонлар юрти", "Ҳунарли киши хор бўлмас", "Қўшнинг тинч – сен тинч", "Меҳр нури ёғар доим, юзингиздан устозлар", "Ёшлар – келажагимиз эгалари", "Саломатлигимиз жонкуярлари", "Касбим – фахрим", шунингдек, "Жонажоним, шеърият", "Оқ йўл, қаламкашлар" каби сарлавҳалар ҳар бир қисмнинг мазмун-моҳиятини англатиб туради.

Тўғри, беш қўл баробар эмас. Алҳол турфа одамларнинг турфа табиати, феъли, қиёфаси бор. Муаллиф қаҳрамонларининг фақат ижобий хусусиятлари, инсоний фазилатларини холисона таърифлашга ҳаракат қилган. Табиийки, муболаға, баъзи ўринларда ўз тасаввури доирасидаги мулоҳазалар ҳам йўқ эмас. Ҳар ҳолда яхши ният билан ёзилган ҳар бир ҳикоя ва мақолада китобхон учун нимадир борлиги муаллифнинг ютуғи, албатта. Айниқса, Ангреннинг паҳлавонлари, таэквандочи йигит-қизлари ҳақидаги маълумотлар, "Қаҳрамон" спорт клуби аъзоларининг нафақат шаҳар, вилоят, балки республика, ҳатто халқаро миқёсдаги ғалабалари спортсевар мухлислар қалбини фахр-ғурур, ифтихор туйғуларига ошно этади:

"...Йигирма икки йилдан бери "Таэквондо ИТФ" йўналиши бўйича "Қаҳрамон" миллий спорт клубини тиришқоқ, интилувчан, изланувчан, шогирдларига меҳрибон, шу билан бир қаторда талабчан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Қаҳрамон Сатторов бошқариб келмоқда. Қаҳрамон ака Тошкент вилояти "Ўзбек жанг санъати" федерацияси президенти, қора белбоғ бешинчи DAN соҳиби" ... ("Қаҳрамон" ҳамиша ғолиб").

...2012 йил ҳам ёш боксчи Анваржон Рўзиқулов учун омадли келди. Январь ойида Тошкент шаҳар "Шифокор" спорт саройида ўтказилган "Кучлилар халқаро турнири"да 50 кг. вазнлилар ўртасида II ўринни, апрель ойида Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида 1996-97-йилда туғилган ўсмирлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси чемпионатида фахрли 1-ўринни эгаллаб, Ўзбекистон чемпиони бўлди. Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида Ғалаба кунига бағишлаб ўтказилган хотира турнирида ҳам Анваржонга 1-ўрин насиб этди. Август ойида Фарғона вилоятининг Рапқон туманида бўлиб ўтган Ўзбекистон очиқ турнирида ҳам олтин медаль соҳиби бўлди". ...("Музаффар юрт ўғлонлари"). Шунингдек, устозларга аталган қисмидаги бир ҳикояда шундай сатрлар бор: "Гулнорахон опа Турдалиева Ангрен шаҳридаги 8-умумий ўрта таълим мактабида 1992 йилдан буён ўқувчиларга она тили ва адабиёт фанидан дарс бериб келади. Ўқувчиларда эзгу ахлоқий фазилатларни шакллантириш муаммоси устида иш олиб боради. Кўп йиллик тажрибага эга бўлишига қарамай, ҳар бир дарсга масъулият билан ёндошади, чуқур ва атрофлича тайёргарлик кўриб, дарснинг жонли чиқиши учун ҳаракат қилади... Таълим-тарбия соҳасидаги изланишлари, педагогик маҳорати ҳақида курс тингловчиларига маърузалар ўқиб туради. Мактабдаги дарслари ҳар куни очиқ эшиклар тарзида ўтади... ("Иморатлар ичида улуғи").

Хуллас, китобда биз айнан келтирган сатрларга ўхшаш аниқ маълумотлар, далил-исботларга бой содда, лўнда, бир қарашда оддий сўзлашув тилида баён этилган фикр-мулоҳазалар бисёр. Шу ўринда назм, наср, шунингдек журналистика соҳасида ҳам баракали ижод қилаётган Муҳаббат Абдуқодированинг ғайрат-шижоати, журъату ҳафсаласига муносиб баҳо бериш энди китобхонлар ҳукмига ҳавола. Муҳими, муаллиф доимий изланиш, интилиш, тинимсиз ҳаракатда. У шаҳардаги Алишер Навоий номли маданият маркази қошидаги "Довон жилғалари" ёш ижодкорлар клуби раҳбари. Ўз ўқувчилари, шогирдлари учун таниқли шоир, ёзувчилар, ижодкорлар билан учрашувлар ташкил этишдан, маданий-маърифий тадбирлар уюштиришдан чарчамайдиган фидойи раҳбар.

"Биздан обод Ватан қолсин" китоби шундай тиниб-тинчимас, таъбир жоиз бўлса, жон ҳалак бир бедор юракнинг фахр-ғурур, ҳайрат ва ҳавасга йўғрилган дил изҳорларидир.

**Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**




## ЁШЛАРГА СИГАРЕТ СОТИЛМАЙДИ

**Нью-Йорк шаҳар кенгаши 30 октябрь куни 21 ёшгача бўлган фуқароларга сигарет сотишни тақиқлаш тўғрисидаги қарорни ёқлади. Associated Press агентлиги шу ҳақда хабар тарқатди.**

Кенгаш сигарет сотишни тақиқлаш ёшини 18 дан 21 ёшга кўтариш назарда тутилган қонунни кўпчилик овоз билан маъқуллади. Нью-Йорк шаҳри ҳокими Майкл Блумберг энди ушбу қонунни бир ой давомида имзолаши лозим. Шундан сўнг 180 кун ўтгач, у кучга киради.

Ушбу тақиқ нафақат сигарет ёки тамаки, шунингдек, электрон сигаретларга ҳам тааллуқлидир.



## МАСЖИД ЎҚҚА ТУТИЛДИ

**Яманнинг шимолидаги Саад вилоятида шиаларнинг қўзғолончи гуруҳи фаоллари масжидни ўққа тутганлари ҳақида хабар тарқатди ал-Арабия телеканали.**



Каналнинг таъкидлашига қараганда, ушбу ҳуруж натижасида 10 киши ҳаётдан кўз юмди, яна 20 киши турли даражада жароҳат олди.

ИТАР-ТАСС агентлиги тарқатган хабарда келтирилишича, мамлакат пойтахтидаги АҚШ элчихонаси ёнида ҳам кучли портлаш содир этилди. Ушбу агентлик ал-Арабия канали маълумотига таяниб, дипломатия ваколатхонаси атрофида кучли отишмалар юз берганини маълум қилди.

Сентябрь ойида экстремистлар мамлакатнинг бир нечта полиция ва ҳарбий объектларига ҳужум қилган эдилар. Бу воқеалар Шабва туманида юз берди. У ерда мина жойлаштирилган машина ҳам қўлга олинди. Яман ҳукумати жавобгарликни "Ал-Қоида" ташкилоти билан боғлиқ гуруҳ зиммасига юклади. Ўшанда 60 дан зиёд киши қурбон бўлиб, яна 40 га яқин фуқаро жароҳатланганди.

## ГАРОВДАГИЛАРГА КИМ ТОВОН ТЎЛАДИ?

**Уч йил террорчилар қўлида ҳибсда бўлган франциялик тўрт фуқаро ниҳоят озодликка чиқди.**



Бироқ, шунча вақт гаровда ушлаб турилган францияликлар учун ким кўп миллионли гаров пули тўлаганлиги ҳанузгача номаълумлигича қолмоқда. Айни кунларда собиқ гаровдагилар ғарбий Африка давлатидан юртларига қайтиб келдилар. Улар ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

Le Matin нашрининг ёзишича, Франция президенти Франсуа Олланд "уч йиллик даҳшатли синов, жабр ва зориқиб кутиш"дек азобларга дош берган тўрт фуқаронинг жасоратини юқори баҳолади. Мудофаа вазирининг аниқлик киритишича, гаровдагиларнинг озод этилишига шахсан Нигерия президенти Маҳамад Иссуфнинг ўзи аралашган.

Газетанинг маълум қилишича, "Ал-Қоида" гуруҳи гаровдагиларни озод қилиш учун 25 миллион евро атрофида товон пули олган.

## ИККИНЧИСИ ТИРИК ҚЎЛГА ОЛИНДИ

**Танасига портловчи модда жойлаштириб олган шаҳид Тунисдаги чет эллик сайёҳлар ёқтирадиган Сус курорт шаҳридаги пляжлардан бирида ўзини портлатиб юборди.**



Бу орада Монастир шаҳри полицияси яна бир шаҳидни тирик қўлга олди. Reutersнинг хабар беришича, бу шаҳид мамлакат собиқ президенти Ҳабиб Бургиб мавзолейида ўзини портлатишга улгурмай қолди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг тахминича, биринчи шаҳид аввал меҳмонхона ичига киришга уринган. Аммо буни уддалолмай, пляжга келиб, қабиҳ ишини амалга оширган. Бироқ, сайёҳлар ва пляж хизматчилари орасида қурбонлар бор-йўқлиги ҳақида ҳеч қандай хабар берилмади.

Reutersнинг таъкидлашича, Тунисда бундай террорчилик хуружлари камдан-кам содир бўлади. Мудофаа вазирлиги баёнот билан чиқиб, ҳарбий кучлар мамлакат марказида террорчиларга қарши кенг кўламда операциялар бошлашганини маълум қилди.

## ГРЕНАДАНИ ГРАНАДА БИЛАН АДАШТИРДИ

**Британиянинг British Airways компанияси йўловчиси Даменда Кингдон Испаниянинг Гранадасини Кариб Гренадаси билан адаштириб қўйганини билмай, ўзича узоқ сафарга йўл олди.**



62 ёшли бу аёл самолётга чиқиш талонининг сўнгги бандида айнан Гренада деб ёзилганини кўрди-ю, бироқ яхши эътибор бермади. Тўғрироғи, чиптада шунчаки ҳарфий хатога йўл қўйилган деб ўйлади. Унинг Кариб оролларига учиб бораётгани эса салондаги ҳамроҳларидан бири билан суҳбатлашган чоғида аён бўлди. Самолёт ёнилғи қуйиш учун ороллардан бирига қўнгач, Кингдон авиакомпания ходимларига мурожаат қилди. Улар эса адашган аёлга ёрдам қўлини чўзишди.

Пировардида, аёл Лондонга қайтиб келиб, ниҳоят ўзига керакли йўналиш бўйича учишга муваффақ бўлди. Умуман, ҳаво йўлларида бундай чалкашликлар оз бўлсада учраб туради.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Теннис

## НИГИНА БОШ СОВРИНГА ДАЪВОГАР

**Мамлакатимиз теннисчилари Германия, Туркия ва Таиландда давом этаётган нуфузли халқаро турнирларда муваффақиятли иштирок этмоқда.**



Германияда ўтказилаётган халқаро турнирда йигирмадан зиёд мамлакатдан келган кучли теннисчилар қаторида ҳамюртимиз Фаррух Дўстов ҳам ғолиблик учун курашмоқда.

Моҳир теннисчимиз яккалик баҳсларининг дастлабки босқичида мезбонлар вакили Максимилиан Мартерерни 7:5, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ф. Дўстов кейинги даврада литвалик Рикардас Беранкисга қарши кортга чиқади.

Туркияда хотин-қизлар ўртасидаги халқаро мусобақада Нигина Абдураимова бош соврин учун курашни давом эттирмоқда. Дастлабки икки учрашувда венгриялик Река-Лука Жанини 2:6, 6:4, 6:2 ва украиналик Анастасия Васильевани 6:4, 4:6, 6:3 ҳисобида енгган теннисчимиз, ярим финалга чиқиш учун россиялик Майя Катситадзе билан куч синашади.

Таиландда ўсмирлар ва қизлар иштирокида ташкил этилган халқаро турнирда истеъдодли ёш теннисчимиз Арина Фольц иккинчи даврада мезбонлар вакили Йинглак Жит Такоат устидан 6:2, 6:1 ҳисобида зафар қучди.

**З. ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири.**

Ҳаёт сабоқлари

Ярим тунда кўча эшигининг гурсиллаб тепилгани бедор ўтирган Латифани оёққа қалқитди. Югуриб ҳовлига тушди. Шу пайт уйининг чеккасидаги эшик очилиб, "қуш уйқу" бўлиб қолган қайнонаси ҳам шоша-пиша чиқиб келди. Қайнона-келин оёқда зўрбазўр турган Акромалини қўлтиғидан олиб, ётоқхонага олиб киришди.

Акромалининг бежо ҳаракатлари, ҳали юзига, ҳали елкасига, ҳали орқасига тушаётган муштларига чидаб, уни тинчлантириш пайида бўлаётган келинига қараб Мастура ая ачиниб кетди. "Шу шўрликкаям қийин, – деб ўйлади эзилиб,– Яратган Эгам биттагина тирноқдан қисмаганида эди..."

Акромали бўш-баёв, мулойим, одоб-ахлоқда ҳамма ҳавас қилса арзийдиган йигит эди. Латифага кўнгил қўйиб уйланди. Лекин ҳаёт бошқа, муҳаббат бошқа экан. Фарзандсиз ўтаётган йиллар уларни бир-бирларидан тобора йироқлаштириб борарди. Кўчадагиларнинг турли гап-сўзлари Акромалини ичкилик домига отган бўлса, Латифанинг ёстиғи тонггача аламли кўзёшларидан ҳўл, бағри хун эди. Мастура ая эса пинҳона "оҳ" тортиб, тунлари Яратгандан келинига фарзанд сўраб дуо қилар, ялиниб-ёлворарди.

Етти йил деганда Акромали ва Мастура ая Латифадан хушхабар эшитишди. Мастура ая, ўғлим фарзандли бўлса инсофга келиб қолар, деб чучварани хом санаган экан. Аввал фарзандсизлик аламидан ичган Акромали энди ўғиллик бўларканман, деб хурсандлигидан ичарди. Унга на хотинининг ёлворишлари, на онасининг насиҳатлари кор қиларди...

## «БОЛАМНИ ҚАЙТАРИБ БЕРИНГ»



...Шундай қилиб, ёруғ дунёни кўрган чақалоқ бир неча сониягина яшади холос. Латифа уни бағрига маҳкам босиб, оналик бахтини туйишга улгуролмай қолди. Нозик қўл-оёқчалар, қимтинган лаблар, бир-бирига жипслашган узун киприклар, тим қора сочлар... Гўдак жуда нимжон ва ҳимоясиз эди, йиғлашга ҳам мажоли етмади. Латифа фарёд чекканча қолаверди.

– Ўзингизни қўлга олинг, қизим, ҳали кўп фарзандларингиз бўлади, – дея овутди уни шифокор. – Бу бола тирик қолганда ҳам оёқ-қўли ишламасди, руҳий хаста бўларди, бир неча ой ёки йил яшаб, жони азобда қоларди, сизларни ҳам қийнарди.

Шифокор шундай деб хонадан чиқаркан, афсусланди: "Эсиз, ойдек қиз экан-а, ичкиликнинг касофати бегуноҳ гўдакка уриб-ди-да".

Латифанинг соғлиғи тикланиши учун бир неча кун туғуруқхонада қолдиришди. Икки ҳамхонаси бахтдан масрур, ёнларидаги жажжи каравотчада ётган болаларини вақти-вақти билан эмизганларида Латифанинг миясида минглаб чумолилар ўрмаларди.

Кунларнинг бирида кечгача туз тотмай, хаёл суриб, тебраниб ўтирган Латифа бирдан каравотчадаги гўдаклардан бирига ташланиб, уни бағрига босди. Чақалоқнинг онаси қўрқиб, додлаб юборди. Шифокору ҳамширалар болани Латифанинг қўлидан аранг ажратиб олишди. "Бу менинг болам, тегманглар, қайтариб беринглар", деб тинмай ёлворарди у.

Шундан сўнг Латифа кўплаб шифохоналарда ётиб чиқди, лекин дарди аримади. Барчасига ўзи сабабчи эканини англаб етган Акромали ичкиликни ташлади. Лекин энди жуда кеч бўлганди. У хотинининг олдида ўзини айбдор санар, шифокорларнинг: "Бу касалликнинг давоси балки, вақтдир" деган сўзлари юрагида озгина бўлса-да, умид чироғини ёқарди. Акромали Латифани ташлаб қўймади. Уйда ўтирса фарёд чекиб, йиғлайверганидан вақти-вақти билан кўчага чиқишига рухсат берарди: аёл уйдан ташқарида ўзини анча хотиржам сезарди.

...Катта кўча ёқасидаги одам ҳамиша гавжум бўладиган бекат яқинидаги дарахт соясида соатлаб жимгина хаёл суриб ўтирадиган, гоҳ бутун дунёни унутиб, ўзига ўзи нималарнидир гапираётган аёлга ўтган-кетганлар ачиниш билан боқишади. Чақалоқ кўтарган келинлар эса бу ерни айланиб ўтишади. Агар бироратаси бехос боласи билан ўтиб қолса, Латифанинг ҳиссиз кўзлари бирдан ёниб, чақалоққа ёпишади ва: "Бер, бу менинг болам, қаёққа олиб кетаяпсан уни, соғиниб кетдим-ку, бағримга бир босай, оч қолган ахир, сутимга ҳали тўймовди..." дея дод солади.

**Жамила АРСЛОНОВА.**

Рассом хандаси




Жиноятга жазо муқаррар

# КЎРНАМАК ВАТАННИ СОТАДИ...

Бугун юртимизда ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тўғри тарбиялаш, турли диний-экстремистик гуруҳлар таъсиридан асрашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунки, фарзандларимизнинг эътиборсизлик туфайли турли диний оқимларга қўшилиб қолиш ҳоллари ҳанузгача учраб турибди. Юртимиздаги тинч ва осуда ҳаёт қадрига етмай, турли ҳужра ҳамда ертўлаларда яшириниб, муқаддас ислом динини ниқоб қилиб, ғаразли ниятларини амалга оширмоқчи бўлганлар айрим ёшларимизни ўзларига шерик қилиб, онгларини заҳарламоқдалар.

Жиноят ишлари бўйича вилоят судининг қора курсисидан жой олган 13 кишининг аҳволини кўриб, "эсиз умр" дейишингиз табиий. Боиси, улар орасидаги ҳали оқ-қорани таниб улгурмаган, эндигина 23 баҳорни қаршилаган йигитчаларнинг энди қадди букик, юзи қора. Қибрай туманини ўзларига макон қилиб олган бу шахслар, кўп бора тилга олиниб, сизу бизга ёд бўлиб кетган яна ўша "халифалик давлати тузиш", "жиҳод", "ҳижрат" каби даъватлари билан кўплаб фуқароларни тўрларига илинтириб, онгларини заҳарлашга улгуришган.

Ушбу фундаменталистик гуруҳга Обиджон Ишманов бошчилик қилиб, 2007 йилдан 2010 йилгача атрофига бир қанча шахсларни йиғиб олган. Бу гуруҳ Қибрай тумани Чинобод қишлоғидаги "Машарип ота" масжидининг қоровулхонасида йиғилиб, "жиҳодчилар" номи остида фаол ҳаракат қилиб келишган. Уларнинг нияти юқорида таъкидлаганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Ислом халифалиги давлати тузиш бўлган. Турли норасмий диний адабиётлардан фойдаланиб, гуруҳ аъзоларига қўпорувчилик, босқинчилик каби қарашларни сингдиришган. "Бизнинг бу ишларимиздан ҳеч ким хабар топмаяпти, бемалол фаолият олиб бораверамиз" деган бу кимсалар қаттиқ янглишган эдилар. Улар Қибрай тумани Салар қишлоғидаги "Абдулла-ҳожи-ота" жоме масжидида ҳам фаол иш олиб боришган.

Тинчлигимизга раҳна солувчи бундай ҳаракатлар ҳеч қачон назоратдан четда қолмаслигига гуруҳ аъзолари панжара ортида ўтирганларида амин бўлган бўлсалар ажаб эмас. Уларнинг қилмишлари уйларидан топилган турли норасмий диний китоблар ҳамда қўпорувчиликни тарғиб этувчи бир қанча дисклар билан тасдиғини топди. Суд ҳукмни эълон қилди. О. Ишманов К. Асилов, Ф. Тоҳиров, Д. Саидов, Қ. Абдуғафуров, Б. Пўлатов, Б. Расулматов, А. Халилов, Х. Файзуллаев, Ф. Раҳимов, О. Йўлдошев, А. Қўқонбоевга 6-8 йиллик қамоқ жазоси белгиланди. Шунингдек, Ш. Мирфайзиев ҳам умрининг 5 йилини панжара ортида ўтказадиган бўлди.

Кўриниб турибдики, жазо тайинланганларнинг деярли барчаси айни навқирон онларининг бир қанча йилларини энди тиканли сим ортида, оилаларидан, фарзандларидан айро ўтказишади. Жиноятга жазо муқаррар деб шуни айтишади-да.

Хулоса қиладиган бўлсак, фарзандларимиз бундай аҳволга тушмасликлари учун биринчи навбатда ота-оналар, қўни-қўшнилар, маҳалла-кўйдан доимо огоҳ бўлиш талаб этилади. Айниқса, ота-оналар фарзандларининг ҳар бир қадамидан доимо бохабар бўлиб туришлари шарт. Акс ҳолда кўзларини вақтида очмаганлари учун юқорида номлари тилга олинган йигитларнинг ота-оналари каби афсусланиб қолишлари ҳеч гап эмас.

**Ёрқин ОЧИЛОВ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 8414. Адади 6887. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.30.